

## Тазкия дарслари (209-дарс) Ибодат маъносини тўғри тушуниш



19:00 / 17.12.2022 3810

Ибодат маъносини тўғри тушуниб, ҳар бир ишимизни шариатга мос қилиб, Аллоҳнинг амрига, Набий алайҳиссаломнинг суннатларига мувофиқ олиб борсак, барча ишимиз ибодатга айланади, савоб ўрнига ўтади.

Бунинг учун икки асосий шартга амал қилмоқ зарур:

1. Ҳар бир иш Қуръон ёки Суннатга мувофиқ бўлмоғи лозим.
2. Ҳар бир ишни қилиш ёки тарк этишда Аллоҳнинг розилигини ишташ керак. Шунда ҳар бир ишимиз ибодатга айланади. Демак, ниятни яхшилаш лозим.



**«Биронтамиз шаҳватимизни қондирсак ҳам ажр оладими?» деб сўрадилар. Расулulloҳ алайҳиссалом:**

**«Айтинглар-чи, шу ишни ҳаромдан бажарса, унга гуноҳ бўлармиди? Худди шунингдек, ҳалолдан бажарса, унга ажр бўлади», дедилар».**

*Муслим ривоят қилган.*

﴿٥٧﴾ يُطْعَمُونَ أَنْ أُرِيدَ وَمَا رَزَقَ مِنْهُمْ أُرِيدُ مَا

﴿٥٨﴾ الْمَتِينُ الْقَوِيُّ ذُو الرِّزْقِ هُوَ اللَّهُ إِنَّ

**«Улардан ризқ ирода қилмасман ва Мени таомлантиришларини ҳам ирода қилмасман. Албатта, Аллоҳ Ўзи ризқ берувчи, қувват эгаси, шиддатлидир» («Зориёт сураси, 57-58-оятлар).**

Демак, Аллоҳ таоло инсонлару жинлардан ризқ сўрамайди, балки уларга ризқ беради. Улардан таом сўрамайди, балки уларга таом беради. Аллоҳнинг бирдан-бир ирода қилгани ибодатдир, инсонлару жинларни яратишдан мақсад ҳам шудир. Лекин ибодатдан кимга фойда бор? Ибодат қилувчининг ўзига. Аллоҳ таоло унга икки дунёнинг бахтини беради.

Аллоҳ таоло Ёсин сурасида марҳамат қилади:

﴿٦٠﴾ مُبِينٌ عَدُوٌّ لَكُمْ إِنَّهُ الشَّيْطَانُ تَعْبُدُوا لِأَن آدَمَ يَنْبَغِي إِلَيْكُمْ أَعْتَدَ اللَّهُ

﴿٦١﴾ مُسْتَقِيمٌ صِرَاطٌ هَذَا أَعْبُدُونِي وَإِنْ

**«Сизларга амр қилмаганмидим: «Эй Одам болалари, шайтонга ибодат қилманг, албатта, у сизга очик-ойдин душмандир. Ва Менга ибодат қилинг, мана шу тўғри йўлдир», деб?!» (60-61-оятлар).**

Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳадиси шарифларида ҳам ибодатнинг аҳамияти жуда равшан баён қилинган.

تُنْكَ: لَأَقَمَ لَسَوْهَ لَعْلَلِ لَصَّيْبِ لِنَعِ، نَعْنَعُ لَلِ يَضْرِبُ لَبَّجَ نَبِ دَاعُمَ نَع  
لَهْ دَاعُمَ أَي: «لَأَقَفْ، رِيْفُ عُهُ لَأَقِي رَامِحَ لَعْلَسَوْهَ لَعْلَلِ لَصَّيْبِ لِنَفِ دِرْ  
مَلْعَأْهُ لُوسَرُوهُ لَلِ: تَلُقْ»؟ لَلِ لَعْلَلِ دَابْعُ لَأَقَحْ أَمَو دَابْعُ لَلِ لَعْلَلِ لَأَقَحْ أَمَ يَرَدَتْ  
دَابْعُ لَأَقَحْ وَ، أَيَّ شَرِبَ أَوْ كَرَشِي لَوَ لَلِ أَوْ دُبْعِي نَدَابْعُ لَلِ لَعْلَلِ لَأَقَحْ نِإْفِ: لَأَق  
لَفَأْ لَلِ لُوسَر أَي: تَلُقْ. «أَيَّ شَرِبَ أَوْ كَرَشِي لَوَ نَمَبَّ دَعِي لَأَلَجَّ وَ زَعْلَلِ لَعْلَلِ لَعْلَلِ  
يَذْمُرْت لَأَوْنَأَخِي شَلِ أَمُهَ أَوْر. «أَوْلُ كَتَيْفٍ مَهْرَشَبْتُ أَلِ: لَأَق؟ سَأَلُ لَأَرَشَبُّ أ

Муъоз ибн Жабал розияллоху анхудан ривоят қилинади:

**«Уфайр номли эшакда Набий соллаллоху алайҳи васалламнинг орқаларига мингашиб борар эдим. Ул зот:**

**«Эй Муъоз, Аллоҳнинг бандаларидаги ҳаққи нима-ю, банданинг Аллоҳдаги ҳаққи нима эканини биласанми?» дедилар.**

**«Аллоҳ ва Унинг Расули билувчилар», дедим. Ул зот:**

**«Албатта, Аллоҳнинг бандаларидаги ҳаққи уларнинг Аллоҳга ибодат қилишлари, Унга бирор нарсани ширк келтирмасликларидир.**

**Бандаларнинг Аллоҳдаги ҳаққи эса ким Унга бирор нарсани ширк келтирмаса, ўшани азобламаслигидир», дедилар.**

**«Эй Аллоҳнинг Расули, одамларга башорат берайми?» дедим. Ул зот соллаллоху алайҳи васаллам:**

**«Уларга башорат берма, яна суяниб қолишмасин», дедилар».**

*Икки шайх ва Термизий ривоят қилишган.*

**«Руҳий тарбия» китоби асосида тайёрланди**